

Ўзбекистон туманининг энг чекка ҳудудида жойлашган яна иккита қишлоқдаги 9 мингга яқин аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади

Туманинг энг чекка ҳудудлари ҳисобланмиш Катта Тагоб ва Кичик Тагоб қишлоқлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида яна бир йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ҳар икки қишлоқни обиҳаёт билан тўлиқ таъминлашга қаратилган, қиймати 3,2 млрд сўмлик объектни қуриш ишлари бугунги кунда айни авжида.



Белгиланган лойиҳага кўра, 5 километрлик ичимлик суви тармоғини қуриш ишлари, аҳоли мурожаатлари ва илтимосига кўра яна 1 километрга узайтирилди.

Кейинчалик ҳар икки қишлоқ аҳолиси ва ҳудуд ҳомийлари ташабbus кўрсатиб, дастур асосида тортилаётган 6 километрлик тармоқни ички кўчаларгача олиб кириб кетиш учун яна 7 километр тармоқ ётқизилди. Натижада иш бошида кўзда тутилган 5 километрлик ичимлик суви тармоғи айни кунга келиб 13 километрга айланди.



Лойиха доирасида 1 та тик сув қудуғи қазиши, қазилған қудукқа 1 та сув насоси ташлаш, 1 та II-сув күтариш насоси ўрнатиш, 1 та трансформатор ўрнатиш, узунлиги 500 метр бўлган ҳаво линиясини тортиш ва сиғими 500 м3 бўлган 1 та сув сақлагич (резервуар) қуриш каби ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу ишларни амалга ошириш натижасида худуддаги 8 минг 700 нафардан ортиқ аҳоли ҳамда 2 та мактаб, 4 болалар боғчаси каби ижтимоий соҳа обьектлари оғирини енгил қилишга ўзгача ёндашилади.



Туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев мазкур лойиҳани бажарилиш жараёнлари билан ҳам танишиб, сувсозлар ва маҳалла раислари иштирокида кўзланган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан зарурий чоралар белгиланди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-03-26 20:10:05